

---

Хитойнинг полимер маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи йирик корхонаси сармоядорлари Ўзбекистон туманида ҳам ўз фаолиятларини йўлга қўйишни режалаштирмоқда

Аввал хабар берилганидек, Ўзбекистон тумани ҳокимининг инвестиция масалалари бўйича ўринбосари Жаҳонгир Акрамов вилоятимиз делегацияси таркибида 2024 йил 13-20 декабрь кунлари амалий ташриф билан Хитой Халқ Республикасида бўлиб [қайтган эди](#).

Мазкур ташриф давомида эришилган келишувлар ўз самарасини бериб, хитойлик инвесторлар томонидан вилоятимизда, хусусан Ўзбекистон туманида ўзаро манфаатли янги лойиҳаларни йўлга қўйиш борасида амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Бугун туман ҳокимлигида Хитойнинг полимер маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи “Xinjiang Luitongda” корхонаси сармоядорлари билан бўлиб ўтган учрашувда ҳам ана шу ҳамкорлик кўламини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Меҳмонларни туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдулатиф Имомназаров бошчилигида ҳоким ўринбосарлари Шерзодбек Исмоилов ва Жаҳонгир Акрамов қабул қилди.

Учрашув давомида Хитой корхонасининг фаолияти ва салоҳияти ҳақида делегация вакиллари томонидан яна бир бор батафсил маълумот берилди. Қайд этилишича, Урумчи шаҳрида фаолият юритувчи мазкур корхонада нафақат полимер маҳсулотлари, балки экологик тоза ва жаҳон стандартларига мос бошқа қурилиш маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарилади.

Айни йўналиш бўйича вилоятимиз, хусусан Ўзбекистон туманида ҳам истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилаётгани ҳақида маълум қилинди.

Ўз ўрнида, икки томонлама манфаатли ҳамкорликни тўлиқ қўллаб-қувватлашини билдирган туман ҳокимининг ўринбосарлари ҳам меҳмонларни ҳудудимиз иқтисодий-инвестициявий салоҳияти ва имкониятлари билан таништириб, янги лойиҳаларни амалга тадбиқ этиш учун барча шароитлар яратилишини қайд этдилар.

2025-01-14 19:06:43